

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**МУХАММАДИЕВ РАМЗ ЗОИРЖОН ўғли**

**СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ**  
**МОЛИЯЛАШТИРИШ ВА ТАҲЛИЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 - Молия, пул муомаласи ва кредит**  
**08.00.08 - Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри -2021 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Content of dissertation the abstract of doctor of Philosophy (PhD) on  
economical sciences**

**Мухаммадиев Рамз Зоиржон ўғли**

Соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятини молиялаштириш ва таҳлилини  
такомиллаштириш.....3

**Мухаммадиев Рамз Зоиржонович**

Совершенствование финансирования и анализа деятельности учреждений  
здравоохранения..... 27

**Mukhammadiev Ramz Zoirjon ugli**

Improving financing and analysis of activity of health care  
institutions..... 53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 57

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**МУХАММАДИЕВ РАМЗ ЗОИРЖОН ўғли**

**СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ**  
**МОЛИЯЛАШТИРИШ ВА ТАҲЛИЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 - Молия, пул муомаласи ва кредит**  
**08.00.08 - Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри -2021 йил**

**Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Iqt525 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tfi.uz](http://www.tfi.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Исроилов Боходир Ибрагимович**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Пардаев Мамаюнус Каршибаевич**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Худойкулов Садриддин Каримович**  
иктисодиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:** **Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги**  
**Бюджет-солиқ тадқиқотлари институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «23» 07 куни соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: [ilmiykengash@tfi.uz](mailto:ilmiykengash@tfi.uz)

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (193 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60А. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: [admin@tfi.uz](mailto:admin@tfi.uz)

Диссертация автореферати 2021 йил «30» 06 куни тарқатилди.  
(2021 йил «30» 06 даги 24 рақамли реестр баённомаси).



**Т.З.Тешабаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Н.Каландарова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD)

**И.Н.Кўзиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иктисодиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш, тиббиёт соҳаси фаолияти самарадорлигини кўтариш мамлакатларнинг мураккаб ижтимоий-иқтисодий тизими салоҳиятини оширишнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Ушбу тизимни ташкил этишда мамлакатларнинг ривожланиш даражасига қараб аҳоли соғлиғини сақлаш масалаларига ёндошув ва молиялаштириш тартиблари ҳамда унинг натижаларини ҳисобга олиш бир-биридан фарқ қилади. Халқаро тараққиёт агентлигининг (USAID) расмий маълумотида кўра «ҳар бир давлат ўз миллати саломатлигини таъминлаши лозим бўлиб, у билан боғлиқ харажатларни амалга ошириш ЯИМнинг 6-10 фоизини ташкил этиши керак»<sup>1</sup> деган фикрни билдиради. Айти дамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра «дунё бўйича дастлабки тиббий-санитария хизмати кўрсатишнинг белгиланган меъёрини таъминлаш учун соғлиқни сақлаш соҳасига қўшимча равишда 200-370 млрд.АҚШ доллари миқдорида маблағ йўналтириш талаб этилади»<sup>2</sup>. 2020 йил пандемия шароити барча давлатларни жиддий ташвишга солиб, тиббиётга қўшимча 1,9 трлн.доллар миқдорида субсидия ажратилганини кўрсатмоқда. Бу эса, аввало, тиббиёт соҳасини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш билан изоҳланиб, доимий равишда тиббиёт муассасалари фаолиятини молиялаштириш амалиётини такомиллаштиришнинг зарурий шартларидан бири эканлигидан далолат беради.

Жаҳон амалиётида соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш ва бошқариш амалиётини такомиллаштириш, соҳага ахборот технологияларини кенг жалб этиш, хизматларини ривожлантириш ва уларнинг турларини кенгайтириш, сифатига эътибор қаратиш, касалликларни эрта аниқлаш усуллари ва технологияларини яратиш ҳамда улардан барча фойдаланиши учун қулай шароитга келтириб, жамоатчиликка жорий қилишга оид кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилган. Тадқиқотларда тиббий хизматлар харажатларини молиялаштириш амалиётида давлат ва турли жамғармалар, суғурта ташкилотлари, иш берувчилар ва беморлар томонидан амалга оширишга, соҳага замонавий технологияларни жорий этишга, халқаро тажрибани тадбиқ этишга, тиббиёт соҳасини молиялаштиришда мажбурий суғурта механизмларидан фойдаланишга асосий эътибор қаратилган. Бироқ тиббиёт соҳаси ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги, фаолиятининг асоси фуқароларга тиббий хизмат кўрсатишга қаратилганлиги ва у кечиктириб бўлмайдиган хизматлар тоифасига кириши, тиббиёт муассасалари фаолияти самарадорлигини оширишнинг назарий асосларини яратиш, хизматларни баҳолаш, харажатларни қоплаш, улар фаолияти самарадорлигини молиявий-иқтисодий таҳлил қилиш орқали молиялаштириш амалиётларини такомиллаштириш масалалари етарлича тадқиқ этилмаган.

<sup>1</sup> Марказий Осиёдаги АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID)/ЗдравПлюс. - Т.: 2005. – 95 б. (176)

<sup>2</sup> <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/primary-health-care>.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлашни бошқаришнинг ягона тизимини яратиш, тиббиёт соҳасида хусусий сектор иштирокини ривожлантириш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш маданияти ҳамда сифатини ошириш, қулай шарт-шароитларни таъминлаш мақсадида босқичма-босқич кенг кўламли ислохотлар амалга ошириш натижасида мамлакатда давлат соғлиқни сақлаш тизимига параллел равишда хусусий тиббиёт тизими ҳам шаклланди. Лекин амалга оширилган ислохотларга қарамасдан тиббий хизмат сифати ва аҳоли соғлиғини сақлаш тизими корхоналари самарадорлиги ривожланган давлатлар даражасидан ҳамон паст бўлиб қолмоқда. «Амалга оширилаётган ислохотларнинг тизимлигига эътибор қаратилмаслиги сабабли тиббиёт тизими тадрижий ривожланиш даражасига эриша олмаяпти»<sup>3</sup>. Мустақиллик йилларида тиббиёт соҳаси маблағларидан самарали фойдаланиш, соғлиқни сақлаш муассасаларининг иқтисодий таҳлилини услубий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва унинг мазмуни ҳамда тузилишига ёндашувларнинг хилма-хиллигига эътибор қаратиш илмий ва услубий манбааларда батафсил ўрганилмаган. Бу соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятининг самарадорлигини таҳлил қилиш каби долзарб масала ҳамон илмий жамоатчилик эътиборидан четда эканлигидан далолат беради ва илмий изланишлар олиб боришнинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4890-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори шунингдек, мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хорижлик ва маҳаллий олимлар А.Д.Шеремет, Г.В.Савицкая<sup>4</sup>, И.Т.Абдиқаримов, М.Қ.Пардаев, Ж.И.Исроилов, Б.И.Исроилов, Э.А.Акрамов, А.К.Ибрагимов, Р.Д.Дусмуродов, И.К.Очилов, И.Н.Қўзиев, Н.К.Ризаев, А.А.Каримов,

<sup>3</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т.: «Ўзбекистон», 2019. – 64 б.

<sup>4</sup> Шеремет А.Д. Комплексный анализ хозяйственной деятельности М.: ИНФРА-М, 2006. - 415 с, Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия М.: Инфра-М, 2009. - 536 с.,

М.Ю.Рахимов, Н.Н.Каландарова<sup>5</sup> ва бошқалар томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосан тижорат корхоналари фаолияти самарадорлигига баҳо бериш учун хизмат қилмоқда.

Ижтимоий соҳани мақбул даражада молиялаштиришнинг айрим жиҳатлари ва хусусиятлари О.Александр, А.Лаффер, К.Р.Макконнелл, С.Л.Брю, П.А.Самуэльсон, В.Д.Нордхаус<sup>6</sup>, С.Г.Хабаев<sup>7</sup>, Т.С.Маликов, Н.Х.Ҳайдаров, О.Р.Райимбердиева, Г.А.Қосимова, А.Ў.Султонова, Ў.Д.Ражабов, М.Р.Туртаев, Д.А.Рахронов<sup>8</sup> каби олимларнинг қатор илмий тадқиқотларида ўз ифодасини топган.

Шунингдек, мавзуга оид адабиётлар таҳлили мамлакатимизда тиббий хизмат сифатини ошириш, тиббий суғурта тизимидан фойдаланиш ҳамда унинг самарадорлиги масалаларига, шу каби, ушбу тизимда давлат-хусусий шериклигини ташкил этишга бағишланган тадқиқотлар мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда. Қайд этилганлар соғлиқни сақлаш тизимининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда фаолияти самарадорлигини баҳоловчи кўрсаткичлар тизими, кўрсаткичларни аниқлаш услубиётини ҳамда улар фаолиятини молиялаштиришнинг оптимал йўллари ишлаб чиқиш зарурияти диссертация мавзусини танлаш ва тадқиқот вазифаларини белгилашга асос бўлди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида

<sup>5</sup> Абдукаримов И.Т., Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. -Т.: «Меҳнат», 2004. -486 б., Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил: Ўқув қўлланма. –Т, 2017. -108 б., Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. – Т.: «Молия», 2003. -224 б., Ибрагимов А., Очилов И., Қўзиёв Н., Ризаев Н. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. / Ўқув қўлланма. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2008. – 451 б., Каримов А.А., Исломов Ф.Р., Авлоқулов А.З. Бухгалтерия ҳисоби. – Т.: «Шарқ», 2004. -74 б., Рахимов М.Ю., Каландарова Н.Н. Молиявий таҳлил. – Т.: «Iqtisod-Moliya», 2019. – 736 б.

<sup>6</sup> Alexander O. Laffer A. Pay to the Order of Puerto Rico. - USA: Allegiance Press, 2004.- 455 p.; Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. Пер. 16-го англ. изд. - Москва: ИНФРА-М, 2006. - 940 с.; Самуэльсон П.А., Нордхаус В.Д. Экономика: Пер. с англ. - М.: БИНОМ, 1997. - 800 с.

<sup>7</sup> Дробозина Л.А. Финансы. Учебник. - М.: ЮНИТИ, 2000. - 400 с.; Джунусова Д.А. Совершенствование механизма финансирования медицинских услуг в системе охраны здоровья населения Республики Казахстан. Автореф. дис. ... к.э.н. - Казахстан. 2008. - 26 с.; Кравченко Г.М. Развитие рынка и финансирования лечебно-оздоровительных услуг в России. Автореф. дис. ... к.э.н. - М., 2008. - 26 с.; Лукашов С.А. Экономико-математическое моделирование спроса населения на медицинские услуги. Автореф. дис. ... к.э.н. - М., 2006. - 24 с.; Мамедова С. Основные системы финансирования здравоохранения // Финансы. - М., 2005 - № 4. - С. 68-70; Соколов Д.А. Совершенствование финансового обеспечения здравоохранения в Российской Федерации: автореф. дис. ... к.э.н. - М. 2009. ...26 с.; Хабаев С.Г. Бюджетирование, ориентированное на результат, в здравоохранении. Автореф. дис. ... д.э.н. - М., 2010. - 36 с.

<sup>8</sup> Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Х. Молия: умумдавлат молияси. Ўқув қўлланма. -Т.: «Iqtisod-moliya», - 2009. - 155 б., Райимбердиева О.Р. Соғлиқни сақлаш муассасаларини молиявий таъминлашни ташкил қилиш: и.ф.н. ... дис. автореф. - Тошкент, 2001. - 21б., Қосимова Г.А. Ижтимоий-маданий соҳаларни ривожлантиришда бюджет сийсатининг роли (Ўзбекистон Республикаси мисолида): и.ф.н. ... дис. автореф. - Тошкент, 2001. - 22б., Султонова А.Ў. Соғлиқни сақлашни бозор муносабатлари орқали тартибга солишнинг халқаро амалиёти: и.ф.н. ... дис. автореф. - Тошкент, 2001. - 21б., Ражабов Ў.Д. Ижтимоий хизматлар соҳасида хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари ва устувор йўналишлари: и.ф.н. ... дис. автореф. - Тошкент, 2008. - 26б., Туртаев М.Р. Маркетинг медицинских услуг в условиях рыночных реформ и пути его совершенствования: автореф. дис. ... к.э.н. - Тошкент, 2005. - 23с., Рахронов Д.А. Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштиришни такомиллаштириш: и.ф.н. ... дис. автореф. - Тошкент, 2008. - 26 б.

молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятини молиялаштириш ва таҳлилини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

соғлиқни сақлаш тизими фаолиятининг иқтисодий ривожланиш тенденцияларини тавсифлаш, тиббиёт муассасалари фаолияти даромадлари ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

соғлиқни сақлаш муассасалари даромадлари тизими ва фаолиятнинг асосий жараёнлари бўйича ахборот базасини шакллантириш ҳолатини ўрганиш;

соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштиришда тиббий суғурта тизимидан фойдаланишнинг хориж тажрибаларини тадқиқ этиш;

давлат-хусусий шериклиги самарадорлигини таъминлаш муаммолари ва таҳлил қилиш амалиётига баҳо бериш;

соғлиқни сақлаш муассасалари самарадорлигини таҳлил қилишнинг хорижий давлатлар усул ва услубларини ўрганиш;

соғлиқни сақлаш муассасалари маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлилий кўрсаткичлари тизимини ишлаб чиқиш;

соғлиқни сақлаш муассасалари фаолият самарадорлигини таҳлилини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш муассасаларининг молиявий-хўжалик фаолияти олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятини молиялаштириш ва таҳлилини такомиллаштиришда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда таққослаш, илмий тафаккур, иқтисодий-статистик, таҳлилий услублар, конструктив, баён қилиш каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тиббий хизмат сифатини оширишда тиббиёт муассасасининг даражасига мос давлат томонидан кафолатланган пакетлар бўйича молиялаштириш таклиф этилган;

кафолатланган бепул тиббий хизматни молиялаштиришда тиббий суғурта жамғармаси маблағларидан фойдаланиш таклиф этилган;

аҳолини тиббий хизмат билан қамраб олиш кўрсаткичларини оширишда ҳудудий тиббиёт муассасаларини касалликка чалиниш хавф даражаси бўйича молиялаштириш таклиф этилган;

асосий воситаларни жисмоний ва маънан эскиришини ҳисобга олиш орқали тиббиёт муассасаларини молиялаштириш асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ахборот алмашишнинг электрон тизимини жорий этиш натижасида соғлиқни сақлаш муассасалари статистик ҳамда молиявий ҳисоботлари сонини эллик фоизгача қисқартириш таклиф қилинган;



соғлиқни сақлаш муассасаларида юритиладиган тиббий ҳужжат шакллари сонини электрон ҳужжат тизимини ташкил этиш натижасида кескин қисқартириш асосанган;

соғлиқни сақлаш муассасалари фаолияти самарадорлиги таҳлил қилиш учун маълумотлар базасининг «Тиббиёт муассасалари учун рақамлаштирилган комплекс ахборот тизими» дастурий таъминоти ишлаб чиқилган;

соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятини тавсия этилган кўрсаткичлар асосида комплекс таҳлил қилиш дастурий маҳсули ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** назарий манбаларга таянилганлиги ва тадқиқот натижаларида эришилган назарий хулосалар тиббиёт муассасалари амалий маълумотларидан фойдаланиб асосланганлиги ҳамда ушбу ишланмалар тиббиёт муассасалари амалиётида қўлланилаётганлиги илмий тадқиқотлар натижаларининг ишончилиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар соҳа бўйича қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда, илмий изланишлар олиб боришда назарий манбаа бўлиб хизмат қилиши, илмий ишланмалардан мутахассислар тайёрлаш ва тиббиёт соҳаси ходимларини малакасини ошириш учун ўқув адабиётлари ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсиялардан республика соғлиқни сақлаш тизими муассасалари маблағларидан самарали фойдаланиш йўллари билан белгилаш, даромадлари манбаларини ошириш ва тиббий хизматлар сифатини ошириш учун бошқарув қарорларини қабул қилишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятини молиялаштириш ва таҳлилини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тиббий хизмат сифатини оширишда тиббиёт муассасасининг молиялаш даражасига мос давлат томонидан кафолатланган пакетлар бўйича молиялаштириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4890-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш муассасалари маблағларни шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 21 июндаги 08-09/8766-сон, Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг 01/307-сон маълумотномалари). Тиббиёт муассасаларини молиялаштиришда ушбу таклифдан фойдаланиш бюджет маблағларини мақсадли ва манзилли ажратилишига эришилган;

кафолатланган бепул тиббий ёрдамни молиялаштиришнинг сметали тизими ўрнига тиббий суғурта жамғармаси маблағларидан фойдаланиш

бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4890-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида соғлиқни сақлаш муассасалари маблағларни шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 21 июндаги 08-09/8766-сон, Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг 01/307-сон маълумотномалари). Ушбу таклифни амалиётга жорий этилиши натижасида, қафолатланган пакет асосида давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларнинг ҳар бир даволанган ҳолат ва бириктирилган аҳолига тўғри келадиган миқдорини аниқ белгилаш ҳамда кўрсатиладиган тиббий хизмат ҳажми 12 фоизга ошишига эришилган;

аҳолини тиббий хизмат билан қамраб олиш кўрсаткичларини оширишда ҳудудий тиббиёт муассасаларини касалликка чалиниш хавф даражаси бўйича молиялаштириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4890-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятига тадбиқ қилинган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 21 июндаги 08-09/8766-сон, Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг 01/307-сон маълумотномалари). Мазкур таклифни амалиётга жорий этилиши натижасида аҳолининг касалликка чалиниш эҳтимоли юқори ҳудудлар учун маблағ ажратиш 18 фоизга ошган;

асосий воситаларни жисмоний ва маънан эскиришини ҳисобга олиш орқали тиббиёт муассасаларини молиялаштириш бўйича таклифи Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 21 июндаги 08-09/8766-сон, Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг 2021 йил 24 майдаги 01/08-782-сон маълумотномалари). Мазкур таклифни амалиётга жорий қилиш натижасида, тиббий диагностика тизимини молиялаштириш 15 фоизга ўсган ҳамда беморлар ва ходимлар учун қулай шароит яратилиб, моддий-техника базани ривожлантириш имкони юзага келган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 5 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та илмий мақола, жумладан 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 150 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида тадқиқот долзарблиги ва аҳамияти, мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Соғлиқни сақлаш муассасалари фаолияти самарадорлигини оширишнинг назарий асослари»** деб номланган биринчи бобида соғлиқни сақлаш муассасалари фаолияти самарадорлиги ва унинг назарий жиҳатлари, фаолиятнинг асосий йўналишлари, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий тизимини шакллантириш борасида амалга оширилган ислохотлар, эришилган муайян натижалар таҳлил қилинган ҳамда боб якунида мазкур масалалар бўйича илмий хулосалар шакллантирилган.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар асосида босқичма-босқич амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар натижасида ҳар 100 мингтага тўғри келадиган оналар ўлими сони 2009 йилга нисбатан 10,2 тага, ҳар 1000 тага тўғри келадиган чақалоқлар ўлими қарийиб 3 тага камайган. Ўртача умр кўриш давомийлиги бугунги кунда 73,7 йилни ташкил этмоқда.

Дунёда ривожланган ва ривожланаётган давлатларнинг соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш тартиблари бир биридан фарқ қилади. Ривожланаётган давлатларда соғлиқни сақлаш учун ажратиладиган маблағлар, биринчи навбатда тез ёрдам ва тиббий хизматга йўналтирилади. Ривожланган мамлакатларда эса маблағлар, аввало янги тиббий технологиялар ва маъмурий бошқарув тизимини такомиллаштиришга йўналтирилади. Шунинг учун соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш муаммолари ҳар қандай давлатда долзарблигини йўқотмайди.

Европанинг Саломатлик-2020 дастури муаллифлари фикрича, соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришда асосий йўналишлари шаклланишига ҳукуматнинг қатъий иродаси, коррупцияга қарши курашиш ва қонунчиликни такомиллаштириш сиёсатлари, тиббий хизмат кўрсатувчилар, жамоатчилик ҳамда тиббий хизматлар таннархи, кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати ва харажатларнинг самарадорлиги таъсир ўтказди.

Италия, Греция, Испания ва Буюк Британия каби давлатларда соғлиқни сақлаш муассасалари бюджет ва ихтиёрий суғурта маблағларидан ўз даромадларини шакллантиришда самарали фойдаланмоқда. Лекин Европа давлатлари иқтисодий сиёсатида кўпчилик давлатлар ижобий тажрибасини инобатга олиб соғлиқни сақлаш тизимини давлат томонидан молиялаштиришдан мажбурий суғурта асосида молиялаштиришга ўтиш тарафдоридир.

Айрим тадқиқотчилар соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш миллий ва хорижий олимлар томонидан яратилган назарий-услубий ва амалий ишланмалардан холи бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблайдилар. Лекин хорижий тажрибани мамлакат иқтисодиётига тўғридан-тўғри жорий этиб бўлмайди, у маълум бир синовлардан ўтиши зарур, деган фикрни билдиради. Маълумки, тиббий хизмат жамиятнинг ҳаракатлантирувчи асосий омили бўлган аҳолининг соғлиғини сақлашни профилактика қилиши, соғлиқни сақлаши ва уни тиклаш вазифаларини бажариши сабабли аҳолига кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар таркибида муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли юқоридаги фикрга қўшилган ҳолда соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришнинг хорижий тажрибаларини тўғридан-тўғри Ўзбекистон амалиётига қўллаш ижобий натижа бермайди деб ҳисоблаймиз.

Соғлиқни сақлаш соҳаси кўп тармоқли эканлиги сабабли, ушбу фаолиятни ўрганиш тиббий хизмат, тиббий ёрдам ва тиббий фаолият ўзини нима, улар қандай кўрсаткичлар асосида баҳоланиши зарурлиги масалалари кўпчилик тадқиқотлар учун доим долзарб ҳисобланади. Мамлакатимизда аҳолининг тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси билан кафолатланган. Асосий қомусимизнинг 40-моддасида «Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга» эканлиги белгилаб қўйилган.

Тадқиқотлар натижаси ва қонун ҳужжатларидаги таърифлар таҳлили асосида тиббий хизмат тушунчаси бўйича ягона тўхтамга келинмаганлигини кўриш мумкин. Шу боис тиббий хизмат тушунчасига қуйидаги мазмунда муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди.

**Тиббий хизмат** - тиббиёт муассасаси малакали ходими томонидан давлат номидан беғараз ёки ўрнатилган тартибда, тиббий фаолият билан шуғулланувчи шахс томонидан маълум бир ҳақ эвазига, белгиланган тиббий стандартларга асосан миждозни соғлиғини сақлаш, тиклаш, профилактика қилиш бўйича кўрсатиладиган махсус хизматдир<sup>9</sup>.

Тиббий хизмат бошқа хизмат турларидан қуйидаги жиҳатлари билан фарқ қилади:

- хизмат махсус малакали шахс томонидан кўрсатилади;
- тиббий хизмат махсус жиҳозланган жойларда амалга оширилади;
- тиббий хизмат объекти бўлган шахс ўзига қандай хизмат кўрсатилиши зарурлигини мурожаат қилган пайтида билмайди;
- малакали тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида миждоз организмда турли даражадаги амалиёт ўтказилади.

Соғлиқ инсон капиталининг бир қисми ҳисобланиб, уни доимий равишда бир маромда ишлашини таъминлаш мақсадида инвестиция киритиш талаб этилади. Инсон капитали салоҳиятининг тўлиқ ва самарали ишлаши организмнинг саломатлиги даражасига боғлиқ. Шу боис аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасини давлат бюджетидан молиялаштириш масаласига давлатнинг **инсон капиталига йўналтиралаётган инвестицияси** нуқтаи-назаридан ҳам

<sup>9</sup> Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган таъриф.

ёndoшиш ва баҳо бериш зарур, деб ҳисоблаймиз. Бундан ташқари инсонни ўзи ёки оила аъзолари соғлиқни сақлаш учун сарфлаётган маблағига ҳам хусусий инвестиция сифатида баҳо бериш мақсадга мувофиқдир.

Соғлиқни сақлаш муассасалари даромадлари турли манбалардан шаклланиши кузатилиб, мамлакатимизда асосан бюджет маблағлари билан бирга жисмоний ва юридик шахсларга пуллик тиббий хизмат кўрсатишдан олинган маблағлар ҳисобига шаклланади (1-расм).



**1-расм. Соғлиқни сақлаш соҳасини бюджет ва бюджетдан ташқари молиялаштириш учун сарфланган маблағлар миқдори<sup>10</sup>.**

Ушбу маълумотлар таҳлили республикаси соғлиқни сақлаш соҳаси харажатларининг 2017 йилда 11 фоизи, 2018-2019 йилда эса 9 фоизи соғлиқни сақлаш муассасалари пуллик тиббий хизмат кўрсатиш ҳисобига ишлаб топилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилганидан далолат бермоқда. Давлат соғлиқни сақлаш муассасаси ушбу маблағларини ўзлари ишлаб топган бўлсада, давлат томонидан белгиланган тартибда харажат қилиши мумкин. Аммо хусусий сектор тиббий хизматни кўрсатиш учун сарфлаган маблағи эвазига маълум бир миқдорда фойда олишни кўзлайди. Хусусий тиббий сектор шу сабабли инвестиция киритишдан манфаатдорлиги учун кўпроқ маблағ ажратишга қизиқади. Шунинг учун хусусий сектор корхонаси топган маблағини тезкорлик билан тиббий хизмат сифатини ошириш эвазига фойда келтирадиган йўналишга сарфлайди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда тиббий хизмат сифатига тиббий муассасалар фаолиятини самарадорлигини тезкор таҳлил ҳамда назорат қилишнинг ягона тизими мавжуд эмаслиги салбий таъсир этмоқда. Натижада муайян ҳаракатларнинг диагностика, терапевтик ва профилактик чоралар бўйича кафолатланган ҳамда ягона тиббий ва иқтисодий стандартларга мувофиқлигини аниқлайдиган тиббий ёрдам сифати таъминланмасдан қолмоқда. Аҳолининг тиббий ёрдамга бўлган эҳтиёжлари ортиб бораётганлиги сабабли давлат соғлиқни сақлаш тизимини маблағ билан таъминлаш борасида қийинчиликларга дуч келмоқда (1-жадвал).

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

**1-жадвал**

**Соғлиқни сақлаш соҳаси учун давлат бюджети ҳисобидан 2016-2020**  
**йилларда ажратилган маблағлар таҳлили<sup>11</sup>**

(млрд сўм)

№	Кўрсаткичлар номи	йиллар				
		2016	2017	2018	2019	2020
1.	ЯИМ	344626	371507	393 426	424 113	653 546
2.	Бюджет даромадлари	40 506	44 470	62 230	102 628	128 460
3.	Бюджет харажатлари	42 721	46 943	62 170	107 118	131 105
3.1.	Ижтимоий харажатлар	25 299	26 769	35 034	58 012	66 018
3.1.1.	<i>шундан, соғлиқни сақлаш харажатлари</i>	<b>6 003</b>	<b>6 883</b>	<b>9 562</b>	<b>12 078</b>	<b>14 843</b>
I.	Бюджет харажатлари таркибида соғлиқни сақлашнинг улуши (%)	<b>14,1</b>	<b>14,7</b>	<b>15,4</b>	<b>11,3</b>	<b>11,3</b>
II.	ЯИМ таркибида соғлиқни сақлашнинг улуши (%)	<b>1,7</b>	<b>1,9</b>	<b>2,4</b>	<b>2,8</b>	<b>2,3</b>

Аҳолининг тиббий ёрдамга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида соғлиқни сақлаш тизимида, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан таъминланадиган жами 2948 та тиббиёт муассасалари фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларнинг сони йил сайин камайиб бормоқда. Бу ўз навбатида, тиббиёт муассасалари қабул қуввати ҳамда беморлар қатновига таъсир кўрсатмоқда (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Давлат бюджети ҳисобидан таъминланадиган соғлиқни сақлаш тизими муассасалари йиллар кесимидаги таҳлили<sup>12</sup>**

(бирликда)

Худудлар номи	Амбулатор-поликлиника			Стационар шифохонлар		
	2016	2017	2018	2016	2017	2018
Қорақалпоғистон Республикаси	227	141	<b>142</b>	38	37	<b>38</b>
Андижон вилояти	353	193	<b>193</b>	37	37	<b>35</b>
Бухоро вилояти	330	217	<b>216</b>	31	31	<b>31</b>
Жиззах вилояти	213	124	<b>122</b>	37	37	<b>33</b>
Қашқадарё вилояти	327	225	<b>223</b>	61	59	<b>59</b>
Навоий вилояти	175	116	<b>116</b>	22	22	<b>22</b>
Наманган вилояти	261	180	<b>180</b>	32	32	<b>32</b>
Самарқанд вилояти	421	233	<b>227</b>	44	43	<b>43</b>
Сурхондарё вилояти	279	162	<b>162</b>	35	35	<b>33</b>
Сирдарё вилояти	160	99	<b>99</b>	25	25	<b>25</b>
Тошкент вилояти	303	187	<b>191</b>	56	56	<b>57</b>
Фарғона вилояти	357	223	<b>222</b>	60	60	<b>60</b>
Хоразм вилояти	194	114	<b>115</b>	28	28	<b>28</b>
Тошкент шаҳри	116	118	<b>121</b>	40	40	<b>40</b>
Республика муассасалари	42	45	<b>45</b>	36	39	<b>38</b>
<b>Жами</b>	<b>3 758</b>	<b>2 377</b>	<b>2 374</b>	<b>582</b>	<b>581</b>	<b>574</b>

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси. Молия вазирлиги сайти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Амалга оширилган ислохотларга қарамасдан аҳоли соғлиғини сақлаш тизими самарадорлиги ривожланган давлатлар даражасидан ҳамон паст бўлиб қолмоқда. Шунингдек, ислохотларнинг тизимлигига эътибор қаратилмаслиги сабабли тиббиёт тизими тадрижий ривожланиш даражасига эриша олмаяпти ва натижада Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг расмий маълумотиغا кўра аҳоли саломатлигини таъминлашга қаратилган кўрсаткичларимиз рейтинги ҳамон пастлигича қолмоқда.

Бунинг сабаби ҳар 10 000 аҳолига тўғри келадиган касалхона ўринлар сони 2015 йил 36,7 та ташкил этган бўлса, 2019 йил 1 январь ҳолатига ушбу кўрсаткич 35,6 тага камайган. Касалхонада даволанган беморлар сони 2017 йилда 5 469 тани ташкил этган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 5 655 тага ошган. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатадиган амбулаторияларнинг ҳар сменада беморларга хизмат кўрсатиш миқдори 2015 йилда 365,9 минг кишини ташкил этган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2018 йил натижалари бўйича 344,5 минг кишига, 2019 йилда эса 339,4 минг кишига камайган.

Тиббиёт муассасалари фаолияти вазифалари ва уларни молиялаштириш масалалари доирасида тадқиқотлар олиб борган хорижлик ва маҳаллий олимлар қарашлари таҳлили ушбу масалада бир хил тўхтамга келинмаганлигини кўрсатмоқда. Хорижий давлатлар соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш амалиётида «режали-дастурли бюджетлаштириш» ва «ижрога асосланган бюджетлаштириш» барча харажатлар ҳамда алоҳида қимматли дастурлар натижасини боғлашда ва бюджет маблағларини мақсадли тақсимлашда ишлатилади, деб баҳоланади<sup>13</sup>. Соҳа бўйича йирик мутахассис ҳисобланган профессор Д.А.Асадов «...тиббиёт муассасасининг асосий вазифаси - аҳолининг тиббий ёрдамга бўлган бирламчи эҳтиёжини қондириш, бюджет эса буни етарли маблағ билан қоплашдир», деган фикрни билдиради<sup>14</sup>. Соғлиқни сақлаш тизими харажатларини молиялаштириш масалалари бўйича ўтказган тадқиқотлари натижасига кўра Г.Қосимова «Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш» услубини амалиётга киритиш ва такомиллаштиришни эса бюджет харажатлари ва эришилган натижалар орасидаги ўзаро алоқани акс эттирувчи бюджетнинг шаклланиши ва ижроси сифатида белгилаш мумкин, деган хулосага келади<sup>15</sup>.

Тиббиёт муассасалари фаолияти бўйича олиб борилган тадқиқотларда олимларнинг аксарияти тизимни молиялаштиришга урғу бериб, ажратилган маблағлар ёки хусусий секторнинг капитал қўйилмалари самарадорлигини ошириш масалаларига эътибор қаратилмаган. Тиббий хизмат сифатини ошириш учун зарур маблағ, мавжуд капитал ва салоҳият самарадорлигини ошириш эвазига шаклланиши лозим. Ушбу зарурият тиббиёт муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари ишлаб чиқишни талаб этади. Бунинг учун иқтисодий таҳлил услубиётини тиббиёт муассасаларининг ўзига

<sup>13</sup> Public budgeting systems / Robert Lee, Ronald Johnson, and Philip Joyce. Ninth Edition Copyright© 2013. by Jones & Bartlett Learning, LLC, an Ascend Learning Company. -P.202

<sup>14</sup> Д.А.Асадов. «Рыночные отношения в здравоохранении не самоцель» // Экономическое обозрение №9(142)-2011.

<sup>15</sup> Г.Қосимова. «Соғлиқни сақлаш тизими харажатларини режалаштириш ва молиялаштиришни такомиллаштириш истикболлари». // Biznes-daily media №11(107)-2016.

хос хусусиятларидан келиб чиқиб такомиллаштириш зарур ҳисобланади. Корхоналар фаолияти таҳлиliga оид мавжуд назарий қарашлар ва илмий ёндашувларни ўрганиш асосида ушбу бобда амалга оширилган илмий тадқиқотлар натижасида тиббиёт муассасалари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб соҳа муассасалари фаолияти таҳлили учун кўрсаткичлар тизими ва улар услубиётини ишлаб чиқиш асосланди.

**«Соғлиқни сақлаш муассасалари фаолияти харажатларини молиялаштириш самарадорлигини баҳолаш»** деб номланган диссертациянинг иккинчи бобида республикаимиз тиббиёт муассасалари даромадларини шакллантириш манбалари, улар ҳолати таҳлили, соҳа ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизими ва уни молиялаштириш тартиблари, давлат-хусусий шериклиги натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолашнинг хорижий ва миллий амалиёти таҳлили ҳамда уларни такомиллаштириш масалалари тадқиқ қилинди.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш мақсадида мустақиллик йилларида 20 дан ортиқ хорижий дастурлар асосида грант маблағи жалб этилди ва мамлакатимизда тиббий хизмат сифатини яхшилаш ҳамда унинг сифат кўрсаткичларини Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти талабларига етказишга оид чора-тадбирлар амалга оширилди. Тизимни ислоҳ қилишга қаратилган ушбу лойиҳалар натижасида соҳа инфратузилмаси ва функциялари, бошланғич бўғин хизматлари такомиллаштирилиб, молиялаштириш ҳамда бошқарув ходимлари, врачлар ва хамшираларни ўқитиш тизими бирмунча янгиланди. Бозор иқтисодиёти шароитида соҳада аҳолига давлат буюртмаси бўйича тиббий ёрдам кўрсатиш билан бирга, қўшимча пуллик хизматларнинг ҳам йўлга қўйилиши боис тиббиёт муассасалари даромадларини шаклланиш манбалари сони кўпайди (2-расм).




**2-расм. Давлат соғлиқни сақлаш муассасалари маблағлари шаклланиши таснифи<sup>16</sup>**

<sup>16</sup> Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



Иқтисодий шароитга мос фаолият юритиш давлат соғлиқни сақлаш муассасасига ўз харажатларини молиялаштириш, ходимлар меҳнатини рағбатлантириш ҳамда инновацион техника ва технологияларни харид қилиш учун имконият яратади. Ушбу муассасаларни давлат бюджетидан молиялаштириш бўйича бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган ва унга асосан бюджетдан маблағ ажратиш тартиби йўлга қўйилган. (3-расм).



**3-расм. Молиялаштириш тизимининг амалдаги ҳолати**<sup>17</sup>

Лекин ушбу маблағлар ва улардан фойдаланиш механизмлари тиббий хизмат сифатини ошириш даражасини яхшилаш учун етарли, деб бўлмайди. Маълумки, ҳар қандай фаолиятнинг самарадорлиги уни молиялаштириш механизмлари ташкил этилиши ва уларни содда тартибда амалга оширилишига, тизим ходимлари мотивациясига боғлиқ бўлади. Чизмада кўриниб турганидек, бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизими муассасаларини молиялаштириш тўғридан-тўғри молия органлари томонидан амалга оширилиб, тизим бошқарувида маблағларни маълум йўналишларга бошқариш имконияти чекланган. Йил бошида тақсимотни соғлиқни сақлаш бошқарув органи тасдиқласада, лекин уни ўтган йилдагидан кескин ошириш ёки камайтириш имконияти мавжуд эмас. Соғлиқни сақлаш муассасаларига тегишли йил учун маблағ ажратиш тартиби бошқа бюджет ташкилотлари сингари Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 414-сонли қарор асосида амалга оширилиб, харажатлар сметаси тузишда ёки маблағ ажратишда ижтимоий соҳалар учун алоҳида устунлик белгиланмаган. Бюджет ташкилотларида маблағлардан фойдаланиш бироз мураккаб механизмни ўз ичига олган 3 босқичли тизимда бажарилиб, инсон саломатлигини сақлашга оид тезкор тўловларни амалга оширишда истисноли ҳолатлари мавжуд эмас.

Бюджет маблағларини мақсадли ишлатилиши ва уларни тезкор назорат қилиб бориш механизми мавжуд эмаслиги пандемия даврида бюджет маблағларини жуда кўплаб миқдорда талон-тарож қилишга йўлга қўйганлиги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан аниқланган ҳолатларда ўз исботини топмоқда. Мамлакатда мавжуд молиялаштириш тизимига оид норматив ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили тизим ҳамон мураккаблиги ва

<sup>17</sup> Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

маблағлардан тезкорлик билан фойдаланиш сурати пастлигини кўрсатмоқда. Таъкидлаш лозимки, тиббиёт муассасаларида аҳолининг малакалий тиббий хизмат билан таъминланганлиги деганда, унга малакали ходимнинг фуқаро соғлигини тиклаш бўйича кўрсатилган тиббий ёрдам, беморга нисбатан ажратилган зарур дори-дармон ва белгиланган меъёр доирасида озиқ-овқат билан таъминланиши тушунилади. Тадқиқот давомида республикамизда ушбу соҳада, тармоқлар кесимида тиббий хизмат кўрсатиш билан таъминланиш даражасининг белгиланган меъёрларга мослигини ўрганиш унинг номуносиват экан деган хулосаларимизга асос бўлди (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Давлат бюджетидан 2016-2020 йилларда дори воситаларига ажратилган маблағлар таҳлили

(сўмда)

№	Харажатлар номи	2016 йил	2019 йил	2020 йил	Ўсиш (%)
1	Тез тиббий ёрдам хизматида дори воситаларига ўртача бир чакирувга	483	5 800	6 700	1387%
2	ҚОП ва ҚВПда бир нафар фуқарога битта тиббий қабул доирасида дори воситалари харажатлари	1 654	3 700	4 255	257%
3	Марказий кўп тармоқли поликлиникада бир нафар фуқарога битта тиббий қабул доирасида дори воситалари харажатлари	1 825	4 800	5 520	302%

2018 йил озиқ-овқат ва дори-дармон учун соғлиқни сақлаш муассасаларига ўртача киши кунига 18 568 сўм маблағ ажратилиб, шундан 6 747 сўми озиқ-овқат харажатларига, 8 946 сўми дори-дармон харажатларига сарфланган. Ушбу харажатлар миқдори 2019 йилда 23 фоизга ошган ва ўртача киши кунига 22 775 сўми ташкил қилган. Шундан, 11 821 сўми озиқ-овқат харажатларига, 13 829 сўми дори-дармон харажатларига сарфланган.

Бироқ ушбу кўрсаткич республика бўйича умумий ўртача кўрсаткич бўлиб, барча муассасаларда ушбу рақамлар бир хилда деган хулосани бермайди. Чунки, «Болалар ва ўсмирлар (сил касалига чалинмаганлар) учун санаториялар»да ушбу умумий кўрсаткич 2018 йилда ўртача киши кунига 5 649 сўм, 2019 йилда 7 697 сўм, «Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари (шошилинич тиббий ёрдам бўлимларидан ташқари) шифохоналари»да ушбу умумий кўрсаткич 2018 йилда ўртача киши кунига 11 675 сўм, 2019 йилда 15 308 сўм ташкил этган.

Бирламчи тиббиёт-муҳим йўналиш, шу сабабли ислохотлар жараёнида тиббиётнинг бирламчи бўғинига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сабаби, бугунги кунда қишлоқ врачлик пункти, қишлоқ оилавий поликлиникаси ҳамда шаҳар оилавий поликлиникаси деб аталувчи тиббиёт муассасалари аҳолига яқин жойлашгани учун кимдир шифо истаб, кимдир тиббий маслаҳат олиш илинжида ушбу муассасаларга тез-тез мурожаат қилади. Бунда одамларнинг талаб ва эҳтиёжига мос тиббий хизмат кўрсатилса, табиийки,

халқимизда тиббий хизматга нисбатан ишонч ва қониқиш ҳисси юқори бўлади. Шу сабабли, уларнинг моддий ва молиявий таъминоти 2019 йилда 2016 йилга нисбатан 416 фоизга ошиши таъминланган. Сўнги йилларда аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдамани кўрсатиш муассасалари ҳамда тез тиббий ёрдам бригадасида бир мурожаат учун харажатлар миқдори ўртача 142 фоизга ўсган бўлса, шифохоналарда даволанган бир беморга бир кунлик дори воситалари ҳамда шифохоналарда даволанган бир кунлик озиқ-овқат учун харажатлар миқдори 5 фоизга камайган.

Тиббий хизмат инсон капиталига киритиладиган капитал қуйилманинг таркиб қисми ҳисобланади. Давлат ва жисмоний шахсларнинг ўз соғлиғини сақлаш ҳамда тиклаш учун йўналирилган маблағлари капитал ҳаракати ва унинг самарадорлигини таъминлаш учун хизмат қилади. Моддий-техник база ёки технологияларга киритилган инвестициялар натижаси бошқарувчи ва инженер, техник, дастурчи каби мутахассислар малакасига боғлиқ. Инсон капитални соғлиғини сақлаш ва тиклашни таъминлаш учун сарфланган сармоя натижаси ижобий бўлиши аҳолига малакали тиббий хизматлар кўрсатиш ҳамда тиббиёт тизимида кадрлар тайёрлаш сифатини оширишни талаб этади. Аҳолига малакали ва ҳар томонлама қулай ҳамда сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш етарли шароитга эга бўлган муассасалар, замонавий асбоб ускуналар ва махсус инвентарлардан ташқари, бюджет ҳамда пуллик хизмат кўрсатишдан олинган маблағларни мақсадли ва самарали ишлатишга ҳам боғлиқдир.

Тадқиқотлар давомида тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизими амалдаги ҳолати таҳлил қилинди. Давлат бюджети ҳисобидан 2019 йилда соғлиқни сақлаш тизими учун ажратилган маблағларнинг 8,5 трлн.сўми (70,6%) иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларга ажратилган бўлса, қолган 2,6 трлн.сўми (21,3%) бошқа сақлаш (дори-дармон, озиқ-овқат, коммунал, таъмирлаш ва шу каби) харажатларига сарфланган. 2020 йил режасида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларга жами соғлиқни сақлаш учун ажратиладиган маблағлар 78,9 фоизини йўналтириш кўзда тутилган бўлиб, бу ўтган йилларга нисбатан 3,2 трлн.сўмга ёки 8,3 фоизга кўп демакдир. Ушбу соҳада назорат тизимининг етарли эмаслиги оқибатида сўнги икки йилда соғлиқни сақлаш тизимидаги 1591 та тиббий муассасаларининг 1311 таси ёки 82 фоизда молиявий қонунбузарликлар аниқланиб, 581 нафар ходимлар жиноий жавобгарликка тортилган. Ушбу қилмишлар асосан бюджет маблағларини сарфлаш, пуллик хизмат кўрсатиш бўйича эканлиги аниқланиб, қарийб 92 млрд.сўм маблағ ўзлаштирилган<sup>18</sup>.

Юқори сифатли ва технологияга асосланган ақлли тиббиёт, малакали, ўз касбининг фидоийси бўлган мутахассислар томонидан яратилади. Қачонки, уларнинг ушбу машаққатли меҳнати етарли даражада маблағ билан таъминланган тақдирда сарфланган капитал самара беради. Шу каби самарали ишни ташкил этишда соҳа мутахассисларининг иш вақти нормаси ҳам муҳим аҳамият касб этиб, унга қатъий риоя этиш мутахассислар

<sup>18</sup>Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

фидойилигини янада оширади. Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг амалдаги нормалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги 276-сонли қарори белгиланган меъёрлар тиббиёт ходимларининг мансублигига кўра ўта мураккаблик бўлган 12 босқичли тизим асосида амалга оширилади. Шу билан бирга ушбу маблағлардан самарали фойдаланиш тиббиёт муассасалари раҳбарлари ва масъул шахсларида зарур малака ва кўникмаларга эга бўлиши зарурлигини талаб қилади.

Дунё иқтисодиётидаги глобаллашув жараёнлари ва иқтисодий ривожланишининг даражалари ҳамда халқаро иқтисодий жараёнлардаги нобарқарорлик, инфляциянинг ўсиб бориши ижтимоий соҳа, хусусан соғлиқни сақлаш соҳаси харажатларини давлат бюджетидан молиялаштириш масалаларида муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Ривожланган мамлакатларда ижтимоий соҳалар, жумладан, тиббий хизматлар кўрсатиш, хизматлар сифатини яхшилаш ва аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш даражасини ошириш мақсадида давлат-хусусий шериклик механизмидан сўнгги 20-30 йилларда кенг фойдаланиб келинмоқда. Давлат ва бизнеснинг аҳолига хизмат кўрсатиши ҳамда мамлакатдаги инфратузилмаларни ривожлантириш борасидаги хусусий шериклик амалиётининг бошланганига унча кўп вақт бўлмасда, бу амалиёт дунё мамлакатлари иқтисодиётига тезкорлик билан кириб бормоқда.

Бугун дунёнинг қарийб барча мамлакатларида давлат хусусий шериклик механизмидан фойдаланиш давлат маблағларини етишмаслиги шароитида жуда кўплаб соҳаларда давлатнинг бизнес билан шерикчилиги асосида давлат функцияларини бажарилишини молиявий таъминлаш билан бирга, иқтисодиёт таркибий тузилмалар ривожланиши, бозорда ҳалол рақобатни шаклланиши ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошишини таъминлайди. Ҳар қандай молиялаштириш тизими қанчалик мукамал бўлмасин, ривожланиш жараёнида камчилик ва муаммоларга дуч келади. Давлат хусусий шериклик масалаларини ўрган тадқиқотчилар томонидан ҳам ушбу йўналишдаги муаммолар эътироф этилмоқда<sup>19</sup>.

Мамлакатимизда ҳам бошқа соҳалар каби соғлиқни сақлаш тизимида давлат-хусусий шериклик муносабатларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани, ушбу соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ва мазкур йўналишда давлат-хусусий шерикликни жорий этишда муҳим ҳуқуқий асос ҳисобланади<sup>20</sup>.

Лекин ўтиш иқтисоди давлатларида, хусусан Ўзбекистонда ҳам давлат хусусий шериклигининг ҳуқуқий асослари шакллантирилган бўлсада, ушбу

<sup>19</sup> Гласова Е.С. Перспективы развития государственно-частного партнерства в России. Бизнес-образование в экономике знаний. №2, 2015., В.С.Нечаев. Вопросы развития государственно-частного партнерства в здравоохранении России // Проблемы социальной гигиены, здравоохранения и истории медицины.2012.№3. С. 6-7., А.Н.Чернышов. Государственно-частное партнерство: сравнительная характеристика отечественного и зарубежного опыта.// Социум и власть.-2015.-№1. С.90-94.

<sup>20</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонуни. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами". 2019 йил 13 май, 19-сон, 361-модда.; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 апрелдаги «Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат- хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4290-қарори. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами",2019 йил 22 апрель, 16-сон, 306-модда.

механизм амалиётда суст даражада ривожланмоқда. Давлат хусусий шерикликлиги учун 2019 йилда соғлиқни сақлаш соҳасида давлат ташаббуси билан эълон қилинган шериклик лойиҳаларнинг 0,3 фоизини амалга ошириш бўйича битимларга эришилган ҳолос.

Тиббиёт соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳалари йўналишлари инфратузилма объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, яратиш, жиҳозлаш, модернизация қилиш, молиялаштириш, фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш каби турларни ўз ичига олади. Тадқиқотлар натижасида хусусий сектор вакиллари давлат хусусий шерикчилик муносабатларини иқтисодиёт таркибий тузилмаларига жалб этишга ҳар бир давлат томонидан алоҳида ёндошилаётганлигини кўриш мумкин. Ҳозирда Буюк Британияда турли йўналишларда амалга оширилаётган давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг қиймати 54 млрд.фунт стерлингга ташкил этади.

